

Н.М. Маҳмудов,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
Ж.Х. Камбаров,
стажер-тадқиқотчи-изланувчи,
ТДИУ

САНОАТ ТАРМОҒИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИ

Саноат республикаимизнинг миллий маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Саноат ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви билан бошқа соҳа ва тармоқлардан ўз афзаллиги билан тубдан фарқ қилади. Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва етакчи тармоғи бўлиб, унинг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади ва қуйидаги афзалликлар билан ифодаланади:

Биринчидан, саноат моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бирламчи тармоғи бўлиб, истеъмол товарлари бозори конъюнктурасини миллий ва жаҳон бозоридаги мавқеини таъминлайди. Натижада бозорлар истеъмол товарлари билан тўлади, аҳоли эҳтиёжлари қондирилади ва миллий иқтисодиётнинг пул айланиши даражасига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Иккинчидан, саноат қўшимча қиймат яратишга қаратилган иқтисодиётнинг улкан локомотивидир. Саноат соҳасида қазиб олинган, экиб ўстирилган барча ресурсларни қайта ишлаш, улардан янгидан-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ассортимент ва номенклатуранинг кўпайиши ҳисобига диверсификациялашув жараёнлари такомиллашади. Бунга Президентимиз томонидан билдирилган қуйидаги фикрлар яққол далилдир: 2010 йилда саноат ишлаб чиқариш таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан ўтган йили 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар, жумладан, мутлақо янги технологик платформа негизида “Спарк” енгил автомобиллини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, катта ҳажмда юк ташийдиган “MAN” автомобиллари, энергия тежайдиган лампалар, “LG” русумидаги жаҳонга машҳур музлатгичларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди¹.

Учинчидан, саноат тармоғи йирик ишлаб чиқариш институти бўлиши билан биргаликда, аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш жойларини ташкил этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда

¹Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, №16, 2011 йил, 22 январь.

республикамиздаги жами меҳнат ресурсларининг қарийб 14 фоизи шу соҳада банд бўлган ишчи-ходимлар ҳисобланади. Саноат тармоғини иш билан бандликни оширишдаги яна бир муҳим хусусияти қайта ишлаш ва қўшимча қиймат яратишдаги фаоллиги ҳисобига юзага чиқади. Яъни, қайта ишловчи корхоналарнинг кўпайгани ва қўшимча қийматни ортгани сари саноатда ҳам банд бўлган ходимлар сони ортаверади. Бундан кўринадики, қўшимча қиймат ва қайта ишлашнинг ўсиши билан саноатда банд бўлган ходимлар сонининг ўзгариши ўртасида тўғри пропорционал боғлиқлик мавжуд.

Тўртинчидан, саноат жаҳон иқтисодиётида иштирок этаётган давлатлар ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёнларини мувофиқлаштириш ва халқ ҳўжалиги тармоқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга ёрдам беради. Натижада, барча мамлакатларнинг табиий, меҳнат ва молиявий ресурслари, фан-техниканинг барча ютуқларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”**ги 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарорига асосан, 2011-2015 йиллар учун умумий қиймати 47,5 млрд.АҚШ доллари миқдорида 519 та лойиҳа тасдиқланди. Бундан умумий қиймати 5,58 млрд.АҚШ долларига тенг бўлган 334 лойиҳани 2011 йилда амалга ошириш белгилаб олинган. Шу билан бирга, саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича қуйидаги 12 та тармоқ дастурларини амалга ошириш Ҳукумат даражасида белгилаб қўйилган:


1. Пахтани қайта ишлаш саноати (129,7 млн.долл.миқдоридаги 41 лойиҳа).
2. Тўқимачилик саноати (477,7 млн.долл.га 65 лойиҳа).
3. Ёғ-мой саноати (31,7 млн.долл.га 63 лойиҳа).
4. Кимё саноати (291,7 млн.долл.га 30 лойиҳа).
5. Автомобилсозлик саноати (255,1 млн.долл.га 26 лойиҳа).
6. Қурилиш материаллари саноати (343.1 млн.долл.га 36 лойиҳа).
7. «Ўзметкомбинат» (49 млн.долл.га 9 лойиҳа).
8. Фармацевтика саноати (26,5 млн.долл.га 45 лойиҳа).
9. Навоий ТМК (1068.0 млн.долл.га 29 лойиҳа).
10. Олмалик ТМК (798.0 млн.долл.га 15 лойиҳа).
11. Қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги (28 млн.долл.га 13 лойиҳа).
12. Темир йўллар (2724.0 млн.долл.га 23 лойиҳа).

Саноат тармоғини юқорида келтириб ўтилган, ўзига хос афзалликларидан ташқари, ижтимоий меҳнат тақсмотини рағбатлантириш, бозор рақобатини ривожлантириш каби бир қатор устувор тарафлари ҳам мавжуд.

Республикамизда, саноат ривожланиши ва халқ ҳўжалигининг энг етакчи тармоғига айланиши учун барча ресурс ва захираларимиз етарли. Бу борада бугунги кунда, илдам суръатлар билан ўсишда давом этаётган ёқилғи-энергетика, кимё саноати, озиқ-овқат ва енгил саноат, фармацевтика ва қоғоз-целлюлоза саноати ҳамда қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик каби ўнлаб тармоқ ва юзлаб саноат соҳалари мамлакат

иқтисодиётининг жаҳон бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамланишига ўзининг улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, республикамиз мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, аграр давлатдан эркин индустриал ривожланган давлатга ўтиш борасида амалга оширилган иқтисодий ва таркибий сиёсат тўла ўзини оқлади, дейишга барча асослар етарли. Буни сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) таркибида саноат ишлаб чиқариш соҳаси улушининг мунтазам ўсиб бораётганлигидан кўриш мумкин (1-расм).

ЯИМ таркибида саноат тармоғи улушининг ўзгариш динамикаси



1-расм. ЯИМ таркибида саноат тармоғи улушининг 2000-2010 йиллардаги ўзгариш динамикаси таҳлили (жамига нисбатан фоизда)².

Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушбу соҳада маҳсулот етиштириш юқори суръатлар билан кўпаймоқда³.


²Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

³Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, №16, 2011 йил, 22 январь.

Дарҳақиқат, ЯИМ таркибида саноат улушининг ўсиши бошқа тармоқларнинг камайиши ҳисобига рўй бераётгани йўқ. Аксинча, саноат билан бирга, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳам ўсишда давом этмоқда. ЯИМ таркибидаги ўзгаришлар қолган тармоқларга нисбатан саноат тармоғини юқори суръатлар билан ўсаётганлигини кўрсатади.

Мустақилликнинг афзалликлари ва давлатнинг иқтисодий сиёсати саноатнинг етакчи ўрнини янада оширмоқда. Бугунги кунда, ислохотларнинг асосий йўналишлари ва уларнинг ечимини топиш, даставвал саноат соҳасида амалга оширилмоқда ва яхши самара бермоқда (2-расм).

Республикада саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш динамикаси



2-расм. Республикада 2000-2010 йилларда саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш динамикаси таҳлили (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)⁴.

2000 йилда саноат ишлаб чиқариш тармоғининг ўсиш даражаси олдинги йилга нисбатан 5,9 фоизга, 2005 йилда 7,2 фоизга, 2007 ва 2008 йилларда мос равишда 12,1 ва 12,7 фоизга ўсган. 2009 ва 2010 йилларда эса саноатнинг ўсиш даражаси бироз пасайиб 9,0 ва 8,3 фоизга ўсган. Бундан кўринадики, 2009-2010 йилларда ўсиш даражасининг пасайишига жаҳонда рўй берган дисбаланс, яъни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзининг салбий таъсирини кўрсатган. Лекин шундай бўлсада, республикада глобал инқирозга қарши ташкил этилган чора-тадбирлар саноат тармоғининг барқарор ўсиш даражасини такомиллаштиришга олиб келди.

2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида саноат корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар республиканинг саноат соҳасидаги ўсиш кўрсаткичларини сақланиб қолишини таъминлади. 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чора-

⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тадбирлар дастурида назарда тутилган асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат:

1. Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари;
2. Мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва хизмат кўрсатувчилари маҳсулотларига ички талабни ноинфляциявий рағбатлантириш бўйича чоралар;
3. Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаолликнинг ўсишини таъминлаш чоралари;
4. Электр энергияси соҳасини модернизация қилиш, энергия сиғимини қисқартириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш;
5. Кичик бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳоли бандлиги ва янги иш ўринларини ташкил этишга қўмаклашиш.

Фикримизча, республикада саноат тармоғини келгусида янада ривожлантириш, ижтимоий меҳнат тақсимооти ҳамда ишлаб чиқаришни чуқур ихтисослашуви принципларига амал қилиниш даражасига боғлиқ бўлади. Чунки, бугунги миллий бозоримиз ҳам жаҳон бозори каби сифатли, арзон ва қулай истеъмол товарларига бўлган талаб асосида шаклланиб бормоқда. Бунга бозордаги рақобат ва истеъмолчилар онгининг маданийлашганлик даражасининг ортиб бориши сабаб бўлмоқда. Шунинг учун саноат тармоғини таркибий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш учун энг самарали тармоқларга алоҳида урғу бериш лозимдир (1-жадвал).

1-жадвал

2000-2010 йилларда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркибининг ўзгариш динамикаси таҳлили, (фоиз ҳисобида)⁵.

Саноат тармоқлари	2000 йил	2005 йил	2009 йил	2010 йил
Электр энергияси	8,5	11,3	8,6	8,4
Ёқилғи энергетикаси	15,3	16,2	20,1	19,7
Қора ва рангли металлургия	11,4	19,4	15,5	14,7
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	9,9	13,0	16,2	16,2
Қурилиш материаллари	5,4	3,6	4,9	5,0
Озиқ-овқат саноати	13,3	8,2	10,6	12,6
Енгил саноат	19,1	16,6	12,9	12,2
Бошқалар	17,1	11,7	10,5	11,2
Жами саноат маҳсулотлари	100	100	100	100

⁵Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда, республикамиз саноат тармоғини улушлар асосида таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада ёқилғи энергетикаси саноати етакчилик қилмоқда.

Мазкур соҳада жами саноатнинг 19,7 фоиз маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Кейинги ўринда машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати туради. Уни ҳиссасига жами саноат маҳсулотларининг 16,2 фоизи тўғри келади. Бундан ташқари, қора ва рангли металлургия 14,7, озиқ-овқат 12,6, енгил саноат 12,2, электр энергияси 8,4, кимё ва нефткимё 5,1, қурилиш материаллари саноати жами саноат маҳсулотларига нисбатан 5 фоиз миқдорида маҳсулот ишлаб чиқаради. Саноатнинг бошқа ва соҳаларига жами 6,1 фоиз саноат маҳсулотлари улуши тўғри келади.

2000- 2010 йилларни мос равишда таққослаганда, саноат тармоғини деярли барча соҳаларида таркибий жиҳатдан сезиларли даражада ўзгаришлар рўй берган. Хусусан, ёқилғи энергетика саноати 4,4, қора ва рангли металлургия саноати 3,3, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 6,3 фоизга ортган бўлса, қурилиш материаллари саноати 0,4, озиқ-овқат саноати 0,7, енгил саноат 5,9, саноатнинг нефть-кимё ва фармацевтика каби бошқа тармоқлари жами 5,9 фоизга камайган. Бунга кўра, бугунги кунда эътибор қаратилиши лозим бўлган энг катта муаммо енгил саноатни тармоқ таркибидан кескин тушиб кетганлигидир.

Фикримизча, саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш даражасини таркибий жиҳатдан янгилашнинг стратегик вазифаларини ишлаб чиқиш лозим ва у қуйидаги афзалликларга олиб келади:

- ижтимоий меҳнат тақсимоли натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш таннарни камаяди;
- маҳаллий бозорларни арзон ва сифатли саноат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси ортади;
- четдан арзон саноат маҳсулоти импорт қилиниши ва ўз вақтида жаҳон бозорига арзон саноат маҳсулотлари экспорт қилиниши натижасида аҳолининг реал даромадлари ҳамда хорижий валюта тушуми кўпаяди;
- жаҳон бозорида республика саноат ишлаб чиқариш соҳасининг ўзига хос имиджи вужудга келади ва бу корхоналарнинг маркетинг сиёсатига ижобий таъсир кўрсатади;
- жаҳон иқтисодиётида интеграциялашув миқёси кенгаяди;
- миллий бозорда ижобий конъюнктуравий муҳит янада такомиллашади.

Мамлакат миқёсида саноат ривожланиши ҳудудларнинг иқтисодий географик жойлашуви, меҳнат ресурслари малакасининг даражаси, ҳудудларда саноат тармоқлари жойлашуви ва кооперацияси каби кўплаб омиллар билан ифодаланади. Келтириб ўтилган омиллар ичида эса ҳудудларнинг географик жиҳатдан жойлашуви ва ҳудудларда саноат корхоналарининг иқтисодий-географик нуктаи назардан жойлаштирилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Чунки, саноат корхоналари ўзининг тармоқ хусусиятига кўра, аҳолига, унумдор ерларга, бозорларга, дарё, денгиз ва темир йўлга, шунингдек, конларга нисбатан қулай жойда жойлашган бўлиши лозим. Келтириб ўтилган жойлашув

мезонлари саноатнинг ҳудудлар бўйича ўсиш суръатларига бевосита таъсир этади (2-жадвал).

2-жадвал

Ҳудудлар бўйича 2000-2010 йилларда саноат маҳсулотларининг ўсиш динамикаси таҳлили (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)⁶.

Ҳудудлар номи	2000 йил	2005 йил	2009 йил	2010 йил
Республика бўйича	105,9	107,3	109,0	108,3
Қорақалпоғистон Республикаси	111,2	118,4	103,0	109,4
Андижон	90,0	134,5	118,9	109,4
Бухоро	103,9	102,1	104,4	110,3
Жиззах	122,7	131,6	105,4	119,3
Қашқадарё	101,9	101,3	116,6	97,6
Навоий	102,2	97,8	101,8	97,7
Наманган	126,1	114,0	113,0	123,7
Самарқанд	97,3	108,9	112,0	120,0
Сурхондарё	107,9	104,2	106,6	112,9
Сирдарё	106,7	103,7	109,3	111,6
Тошкент	108,8	100,1	107,5	109,2
Фарғона	108,5	105,0	106,3	94,7
Хоразм	103,5	127,0	103,2	110,5
Тошкент ш.	113,2	116,3	110,2	116,4

2-жадвал маълумотларига кўра, республикамиз ҳудудларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражасининг ўсиши 2010 йилда 2009 йилга нисбатан анча ортган. Саноат тармоғидаги энг катта ўсиш суръати Наманган вилоятига тегишли бўлиб 123,7 фоизни ташкил этган. Кейинги ўринларни Самарқанд (120 %), Жиззах (119,3 %), Тошкент шаҳри (116,4 %), Сурхондарё (112,9 %), Сирдарё (111,6 %), Хоразм (110,5 %), Бухоро (110,3 %), Қорақалпоғистон Республикаси ва Андижон вилояти (109,4 %), Тошкент вилояти (109,2 %), Навоий (97,7 %), Қашқадарё (97,6 %) ва Фарғона (94,7 %) вилоятлари эгаллаган.

Фикримизча, вилоятларда саноатнинг ўсиш даражаси хилма-хиллиги, яъни баъзи вилоятлардаги юқори ўсиш суръатлари ва бошқа вилоятлардаги ўтган йилга нисбатан камайиш юз беришига вилоятлардаги инвестицион фаоллик

⁶Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

даражаси ва саноат тармоғини хомашё билан таъминлашдаги муаммолар сабаб бўлган.

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, бугунги кунда, саноат тармоғини барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганлигига қарамай, саноат корхоналарида бир қатор ички муаммолар мавжуд бўлиб, мазкур ҳолат саноат корхоналарини стратегик ривожлантириш вазифаларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Булар қуйидагилардан иборат:

- маҳаллий хомашёларнинг етишмаслиги натижасида хориждан импорт қилиниши;

- саноат корхоналарида молиявий ресурсларнинг самарали бошқаруви тўғри йўлга қўйилмаганлиги оқибатида тўла қувват билан ишламаслиги;

- банкдан олинган хорижий валютадаги кредитлар учун фоиз тўловлари валюта курсларининг ошиб кетиши ҳисобига ортиши ва валюта курсидаги фарқлардан зиён кўриш;

- дебиторлик қарзлари ўз муддатида ундирилмаслиги, тузилган шартномаларнинг бажарилишини тўлиқ назоратга олмаслик, менежмент ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги;

- мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаганлик ва айланма маблағларнинг етишмаслиги;

- саноат корхоналарида фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситаларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги натижасида, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи ошиб кетиши ва сифати пастлиги;

- жаҳон бозорида саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга глобал инқироз оқибатида талаб пасайиб кетиши;

- бюджет ва бошқа тўловлар бўйича ўз вақтида тўланмаган кредиторлик қарзлари учун пеня ва жарималар ортиб бориши.

Баъзи ҳолатларда саноат корхоналарини барқарор ишламаслигига ташқи ва ички омиллар биргаликда таъсир кўрсатади, ва мазкур муаммолар йирик саноат корхоналарида юзага келмоқда.

Бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланиши лозим. Чунки саноат тармоғидаги муаммоларнинг бартараф этилиши мамлакат иқтисодиётини бундан юқори чўққиларни забт этиши учун бирламчи омил бўлиб хизмат қилади.

Республикада саноат тармоғини янада такомиллаштириш учун, аввало, қуйидаги йўналишлардаги стратегик вазифаларни амалга ошириш зарур:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш;

- бугунги кунда тўхтаб турган ишлаб чиқариш қувватларини тиклаш;

- корхоналарнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш даражасини ошириш;

- маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналарда сифатсиз ва “омбор учун” маҳсулотлар ишлаб чиқаришни олдини олиш мақсадида янги моддий-техника базасини барпо этиш;

- янги ташкил этилаётган корхоналар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш;

- саноат тармоғи ривожланишида кичик корхоналар сонини янада кўпайтириш ва уларни ташкил этиш чора-тадбирларини рағбатлантириш.

Хулоса қилиб айтганда, саноат корхоналарига шу жумладан, кичик саноат корхоналарига республикамизда бўлаётган эътибор турли имтиёз, преференция ва дастурларда ўз аксини топмоқда. Бу борадаги стратегик вазифаларни янада жадаллаштириш эса миллий иқтисодиётимизнинг бундан кейинги даврларда ҳам барқарор ўсиш суръатларини таъминлаб беради.